

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 883-ҳадис

883 – وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الِاسْتِئْذَانُ ثَلَاثٌ، فَإِنْ أُذِنَ لَكَ، وَإِلَّا فَارْجِعْ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6245، م 2153/34].

883. Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Изн сўраш уч мартадир. Агар сенга изн берилса, киргин. Агар берилмаса, қайтиб кетгин», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Инсон ўзини энг эркин сезадиган жой унинг уйидир. У ўз уйида бошқанинг назаридан ва қулоғидан хавфсирамай яшамоғи лозим. Акс ҳолда унинг уйидаги роҳати тўлиқ бўлмайди. Иккинчи ўзини эркин сезадиган жойи ишлайдиган ташкилоти томонидан ажратиб берилган алоҳида ишлаш хонаси ҳисобланади. Бу икки жойда инсон бировдан хавфсирамай ўз ишини ва ҳаётини давом эттиришлиги керак.

Баъзида гувоҳи бўламизки хонадонларда, ташкилотларда, шифохоналарда баъзи инсонлар изн сўрамасдан, кириб кетадилар. Бу ишда ўзимиз фикр беришликдан олдин Аллоҳ ва Расули қайси йўлни биз учун кўрсатган ўшани ўрганайлик.

“Эй иймон келтирганлар! Ўз уйлариңгиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки эсласангиз. Бас агар у (уй)ларда бирортани топмасангиз, то сизга изн берилмагунча уларга кирманг. Агар сизга қайтинг, дейилса, бас, қайтинг, ўша сиз учун покдир. Аллоҳ нима амал қилаётганиңгизни ўта билгувчидир” (Нур сураси, 27-28-оятлар).

Ушбу оятга амал қилинса, бировнинг хонадонига изн сўраб, салом бериб кирилсагина, турли ноқулай ҳолатларнинг олди олинади. Изн сўрамай кирган одам уй эгасини ёки ташкилотда ўтирган одамни ноқулай ҳолда

турганларни кўриб қолса, гуноҳ бўлади. Икки томон ҳам хижолатга тушади.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ айтадиларки “Ким бир қавмнинг ҳовлисига уларнинг изнисиз қараса бас, улар унинг кўзини ўйиб олсалар, хун тўламайдилар”.

Ушбу ҳадисда Ислomда шахснинг даҳлсизлиги ниҳоятда юқори даражада ҳимоя қилиниши кўриниб турибди. Бировнинг ҳузурига киришга изн сўрашнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор. Авалло, изн сўраётган одам ҳовлига, уй ичига назар солмасдан, бошқа томонга қараб туриб изн сўраши керак. Яъни, бировнинг уйига назар тушмаслиги учун изн сўраш жорий қилинган, ичкарига қараб туриб изн сўрашнинг нима кераги бор.

Шунинг учун ҳам изн сўрамоқчи бўлган кишилар эшикка юзма-юз ҳолатда эмас, балки ўнг ёки чап тарафлари билан турмоқлари лозим. Изн сўровчини яна одобларидан бири, қўполлик қилмаслиги, одоб билан уч мартагача изн сўраши, жавоб бўлмаса, қайтиб кетмоғлиги лозим.

Шу билан бирга, қайтувчи кўнглига олмаслиги, хафа бўлмаслиги, уй эгалари мени ҳурматсиз қилди, деган хаёлга бормаслиги керак. Чунки ҳар бир одам хоҳлаган кишисини уйига киритиш ёки киритмаслик ҳақиқага эга.

Саҳобаи киромлар шундай айтадилар: «Агар сизга, қайтинг дейилса бас, қайтинг, ўша сиз учун покдир» оятига амал қилиш учун жуда кўп уриндик, бировнинг уйига чақириб борганимизда қайтинг, деган жавоб бўлсаю ортимизга дарҳол қайтиб, ояти каримага амал қилиш шарафига муяссар бўлсак, дердик аммо иложи топилмади. Қаерга борсак киринг деган жавоб олдик, деганлар.

Манба: hadis.islom.uz

